

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 24 март куни бўлиб ўтган мажлисида КПССга 1987 йилги қабул қирилган тўғрисидаги ахборотни муҳокама қилди. Партия сафлари ташкилий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамлангани қайд этилди. Партия ташкилотлари партияга ян-

ги аъзоларни танлаб олиш жараёнини демократиялаштириб, номзодларни коллективларнинг йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилишни кенг йўлга қўйдилар, партияга кирувчиларнинг фазилатларини текширишга, уларнинг фаолияти ва феъл-атворини, маънавий қиёфасини баҳолашга

янада талабчанлик билан ёндаша бошладилар. Шу билан бирга кўпгина партия ташкилотларидаги бу ишда зарур ижобий ўзгаришлар рўй бермади. Ҳамон юзак статистик ёндашув, партияга янги аъзолар қабул қилишни қаттиқ чеклаб қўйиш давом этмоқда. Партия саф-

ларини қайта қуриш учун актив курашчилар ҳисобидан тўлдиришга етарли эътибор берилмапти.

Партия комитетларига бу ишнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этиш, коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ислохотни рўйга чиқаришдаги, партия ва жамият турмушини демократиялашдаги авангардлик ролини сабот билан ошириш тақлиф этилди. КПСС Марказий Комитетининг партия сафларини қайта қуришда фаол қатнашиш-

ни турмушнинг асосий маъноси, деб билган кишилар орасидан танлаб олиб, мустаҳкамлаш масалалари ҳусусидаги принципал кўрсатмаларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди. Иттифокдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, бир қанча область ва ўлка партия комитетларининг биринчи секретарлари иштирокида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Уш иккинчи беш йилликда мамлакат

[Давоми 2-бетда].

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 61 (9297).

● 1988 йил 26 март ●

Баҳоси 3 тийин.

САЛОМ, МУЗИКА БАЙРАМИ!

Шаҳар ва областларда ўтказилган «Санъат байрами» конкурси кўрикларининг ғолиблари 25 март куни Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида концерт қўйиб бердилар, улар республикадаги болалар энг яхши музика коллективларидир. Бу ерда болалар ва ўсмирлар музика ҳафталиги тантанали равишда очилди.

— Бу баҳорги музика байрамини ҳар йили ўтказиш янги билим қолди, — дейди Ўзбекистон композиторлар союзи правленийсининг раиси А. Х. Жабборов. — Бу йилги байрам ўзига хос хусусиятга эга. «Музика байрами» доирасида «Санъат байрами» конкурснинг республика давраси ҳам ўтказилади. Программага болалар коллективларининг хор ва яхкашон ижрочилиги, ўзбек халқ чолғу асбобларида ижрочилик маҳорати, хореография, эстрада сингари бешта асосий жанри киритилган. Немис кўшиқлари ансамбли ва М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси студентларининг диссиленди санъат фестивалида биринчи бор иштирок этмоқда.

«Санъат ҳафталиги» кунлари болалар композиторлар ва ижрочилар билан учрашдилар. Болалар ва ўсмирларни эстетик руҳда тарбиялаш проблемалари ҳусусида давра суҳбати ўтказилади.

30 март куни «Санъат байрами» республика конкурси ғолибларининг В. И. Ленин номида СССР халқлари дўстлиги саройида якунловчи концерти бўлади. [ЎзТАГ].



СУРАТДА: слёт қатнашчиларидан бир группаси.

А. Зуфаров фотоси.

ЗАПАСДАГИ ЁШ ЖАНГЧИЛАР ОБЛАСТЬ СЛЁТИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадри ўртоқлар!

Сизни, ўзининг фахри ҳарбий бурчини шараф билан бажарган Ватанинг шонли ҳимоячиларини қизгин табриқлаймиз.

Ишчи-деҳқон Қизил Армияси тузилган дастлабки кунларданок Советлар мамлакатининг солдатлари халқнинг катта ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келмоқдалар, чунки улар инсон учун энг азиз бўлган нарсани — ўз социалистик Ватанини, унинг чегаралари дахлсизлигини ҳимоя қилиб келадилар.

Йилдагина сиз Октябрь ғояларига содиқлик, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш тўғрисида муқаддас ҳарбий қасамдани қабул қилган эдингиз. Ўзингизнинг жасоратларингиз, кундалик жанговар меҳнатингиз билан граждандлар ва Ватан уруши йилларида социализм ютуқларини сақлаб қолган боболарингиз ва оталарингизнинг аъналарини муқаддас сакловатганингизни шараф билан исботладингиз.

Сизларнинг кўпларингиз ўз интернационал бурчингизни муносиб тарзда бажардингиз, афгон солдатлари билан бирга империализм малайларига қарши мардона жанг қилдингиз, минглаб деҳқонлар, кексалар, хотин-қизлар, болалар-

нинг тинч ҳаётини сақлаб қолдингиз. Бу жасорат халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, СССР Қуролли Кучларининг шонли солномасига олтин ҳарфлар билан ёзилади.

Йиллар ўтади, лекин Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари майор Е. Опарин, лейтенант Г. Демченко ва бошқа кўплаб жангчиларнинг жасоратлари миннатдор инсонлар хотирасида абадий қолади. Улар қардош Афғонистон тупроғида ўз муқаддас бурчларини шараф билан ўтадилар. Улар Ватанга хизмат қилишда ёш авлод учун намуна бўлиб қоладилар.

Барча совет кишилари қуёш жазираси ва жанглар олови ловуллаб турган афгон еридан қайтиб келмаганлар хотираси олдида тазим қиладилар, станок ёнига энди қайтиб турмайдиган, пахта териш машиналари штурвалларига ўтирмайдиган, студентлар аудиториясига кириш насиб этмайдиганларни эслаб қайгурадилар. Уларнинг ота-оналари, ака-укалари ва оёқ-қўлларини, барча яқинларини эътибор ва ғамхўрлик билан қўшаб олиш, улар учун йўқотиш азоби ва аламига ҳамдод бўлиш — барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчидир.

[Давоми 2-бетда].



27 МАРТ — республикамизда ўтадиган Хотира кунига бағишланган материалларни газетанинг 4-5-бетларида ўқийсиз.

ЗАМОН ВА ЁШЛАР

БРИГАДАДА

ФАҚАТ ҚИЗЛАР

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига

ЯНГИЙУЛ мебель фабрикасида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бошланган социалистик муسابақада Галина Анкудинова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи пешқадамлар сафида борапти.

Улар шу йилнинг уч ойи планини бажариб қўйдилар. Йил бошидан бери топшириқдаги қўшимча 40 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бригаданинг Феруза Маҳкамова, Гулнора Абдулова сингари ишчилари

нормани 115—120 процент-ришга ҳаракат қилдилар. Ёш мебелчилар конференция очиладиган кунни пландагидан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан кутиб олишга қарор қилганлар. Уларнинг та-

шаббуси бошқа бригадалар ишчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Фабрика коллективи бу қутлуғ санани ярим йиллик планини бажариш билан нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилапти.

■ АКС САДО ■

БОЗОРДА
СОТИЛМАЙДИ

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 27 февраль сониде эълон қилинган «Бу одобдан эмас» мақоласида баён этилганга ўхшаш воқеаларга кўча-кўйда, бекатларда тез-тез дуч келамиз. Бирон кўнгилсиз воқеа бўлган жойда ҳам айрим ёшларимизнинг бақириб гапиришлари, ҳатто қаққада отиб қулишларининг гувоҳи бўлганмиз.

«Одоб бозорда сотилмайди» дейди халқимиз. Одоб-ахлоққа ёшлардан бошлаб ўрганиш лозим.

Очилини айтсак, кейинги вақтда бир жиҳатдан чет эл фильмлари таъсири остида ёшларимиз ўзларини жуда қўйиб юборишлари ҳолларига дуч келаямиз. Бунга тевақатрофдагилар ҳам кўникиб қолмоқдалар. Одобсизлик қилаётган йигит ва қизларга ҳеч қандай вақтда танбех бергиси келмайди.

Яқинда автобусда чамаси йигирма ёшлардан икки қизга қўзим тушиб қолди. Улар сочлари тўзиган, эғнида эса эришларнинг беқасам тўни. Бу қанақаси бўлди? Ахир уларнинг кўчага бу аҳволда чиққанларини нахотки ота-оналари кўрмаган бўлса?

Бугунги қизлар — эртанги оналардир. Улар ўзлари одобдан беҳабар бўлсалар, фарзандларини нимага ўргатишар экан?

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, ветеран педагог.

• ОШКОРА МУЛОҚОТ

— Мен худога ишонаман. Чунки мусулмониман. Бошқача бўлиши мумкинми?

— Диний никоҳнинг нима зарари бор? Ахир мусулмон ҳам никоҳ ўқиганда онлани мустақамлаш учун зарур гапларни айтади-ку!

— Врач берган дорини ичсам ҳам бошимнинг оғриги тўхтамайди, кинна солдирсам соппа-соғ бўлиб қоламан, бунни қандай изоҳлайсиз?

Булар Оққўрғон районидеги «Оққўрғон» совхози клубида бўлган учрашувда атеист олимларга берилган саволларнинг айримлари, холос. Район комсомол-ёшлари ислом динининг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, диний урф-одатлар ва маросимларнинг сақланиб қолиш сабаблари билан ҳам қизиқдилар.

Республика илмий атеизм уйи директорининг ўринбосари Мирсайд Нурхон, катта методист Абдурашид Абдуллаев, область партия комитетининг лектори, фалсафа фанлари кандидати Музаффар Ортиқов ана шундай қийин саволларга жавоб беришга тайёр эдилар.

Область комсомол комитети ташаббуси билан «Бахсда» мавзусида уюштирилган мулоқотга атеист мавзунинг танланганлиги бежиз эмасди. Районда вази-ят мураккаблигига қолмоқда: ҳали ҳам диний маросимларга кўр-кўрона амал қилинапти. Уларда ёшлар, айниқса,

илмий асосланган жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Сўхбатга тўпланганларини бахсга чорлаш мақсадида «муқаддас жойлар», турли «зиёратгоҳ»лар ҳақида илмий, оммабоп фильм намойиш қилинди. Шундан кейин ёзма ва оғзаки саволларга жавоб бериш бошланди.

ҲАҚИҚАТ БАҲСДА
ТУҒИЛАДИ

ВЛКСМ аъзолари ҳам иштирок этаётганликлари ташвишланарлидир. Бунини саволларнинг мазмунини ҳам исботлади. Масалан, ўзбек фарзанди бўлганлиги учун худога ишониш кераклиги тасаввурда бўлган қиз комсомол экан. ВЛКСМ аъзолари арадан кўра фолбинга кўпроқ ишонишларини ҳам яширишмади.

Шунда ошкора мулоқот иштирокичилари бундай тушунчалар устидан қулиб қўяқолмасдан уларга ҳар тарафлама

Баъзи саволлар қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Жумладан, сўхбат иштирокчиларининг бири ҳозиргина «қалин тўғрисида» гапириб ўтиланлигини эслатиб, у кераклик нарсаси эканлиги, ёшлар уйини жиҳозлаш учун ишлатиладиган маблағдан бошқа нарсаси эмаслигини таъкидлади.

Олимлар бу саволга муайян жавоб бердилар. Лекин шу ўринда ошкора мулоқот ташкилотчиларининг ўзлари ҳам бахсга ўрганишлари лозимли-

ги маълум бўлиб қолди. Бундай саволга клубга тўпланган ёшлар ҳам муносабат билдирганлариде мақсадга мувофиқ бўларди. Фикримизча, шу масалада кичик бахслар ташкил қилиш ҳам мумкин экан.

Область комсомол комитети ҳар бир шаҳар ва район ёшлари ўртасидеги бундай учрашувлар ташкил этаётганлиги фойдалидир. Бу биринчи йигит ва қизларни қизиқтираётган, ўйлантираётган, ташвишлантираётган масалаларга жавоб бериш мақсади билангина хизмат қилмайди. Ошкора мулоқот уларга актив ҳаётини ва граждонлик позициясини эгаллашга кўмаклашади. Ёшлар ўртасидеги тебиқий ишларнинг қайси йўналишларида ҳали ҳам жиҳдий қамчиликлар мавжудлигини аниқлаш имконини беради. Масалан, «Оққўрғон» совхози клубидеги сўхбат давомида кўпгина комсомол-ёшлар дин тўғрисидаги қонунлардан мутлақо хабарсиз эканликлари маълум бўлди. Айни пайтда мактабларда табиқий фанларни ўқишда материалистик дунёқарошни шакллантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги ҳам кўзга ташланди.

А. НОСИРОВА.

• ТУРИЗМ

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникуллари бошланди. «Спутник» халқаро ёшлар туризми Тошкент область бюроси ходимлари каникул пайтида ўқувчилар маданий дам олишларини таъминлаш юзасидан қандай чораларни кўрмоқдалар? Мухбиримизнинг бюро раиси ўринбосари Маҳмуджон МИРЗАРАҲИМОВГА берган биринчи саволи шундай бўлди.

— Тошкентда ватанпарварларнинг Бутуниттифоқ халқлар дўстлиги клубининг очилиши баҳорги каникулларнинг бошланишига тўғри келди, — деди у. — Биз шу кунни республикамиз мактабларида тузилган интернационал дўстлик клубларининг энг актив аъзоларини Тошкентга таклиф этдик. Улар беш кун давомида клуб ўтказадиган барча тадбирларда иштирок этадилар.

Тадбирлар ранг-баранг. Ёшлар театр ва музейларда бўладилар, шаҳар бўйлаб сайр қиладилар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашадилар. Кейинчалик иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидан ҳам ёшларни таклиф этамиз.

— Бюро ҳозир нечта шаҳар билан алоқа боғлаган? — Иттифоқдаги қарийб барча шаҳарлар ва 20 дан ортиқ чет эл мамлакатлари билан алоқадамиз. Таклифларимиз бўйича кейинги бир ой ичига 4059 нафар совет ва 319 нафар чет эл туристлари келиб кетишди. Қарийб шунча ёшларимиз чет элларга сафар қилишди, иттифоқимиз шаҳарларида бўлишди.

Кейинги пайтда биз группаларни касбга қараб тузаямиз. Шунда ёшлар чет элларда бўлганларида ўз ҳамкасблари билан учрашиб, улар тажрибасини ўрганмоқдалар, илгор усулларни

кейинчалик ўз корхоналарида жорий этмоқдалар. Ҳозирги кунда агросаноат комплекси ёш ходимларидан иборат группа тузилапти. Группа аъзолари кузда Америка Қўшма Штатларига сафар қиладилар.

Айни пайтда чет эллик ёшларнинг шаҳримиз ва республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишишлари учун ҳам барча шароитларни яратиб бермоқдамиз. «Ёшлар уйи» улар хизматида. Яқинда «Дўстлик» ва «Ленинград» меҳмонхоналаридан яна 120 та ўрин ихтиёримизга берилди. «Интурист» автобазаси ҳўжалик ҳисобига ўтгандан бери бизга ҳам актив хизмат қила бошлади.

— Тошкентдан узокроққа бориш имконига эга бўлмаган ёшларга бюро қандай хизмат кўрсатапти?

— Ҳамшаҳарларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамisha эътиборимиздадир. Ҳар яқшанба кунини соат 8 да зўрғортмамиз бўйича Тошкент темир йўл вокзалига махсус электричка келиб тўхтади. Ётоқхоналарда истиқомат қилаётган студентлар ва ёш ишчилар шу электричкада Чимёнга саҳатга чиқишлари мумкин. Кунини бўйи тоғ бағрида дам олиб, ҳордиқ чиқариб, яна шу электричкада кечкурун Тошкентга қайтиб келадилар.



Бахтиёрни чинозликлар яхши танишарди. У шаҳар марказидаги 1-Май кўчасида туғилиб кетган бўлган, 26-ўрта мактабин аъло баҳолар билан тамомлаган эди. Уни ҳамма севарди. Шу боисдан ҳам армия сафига отланганида барча ҳамшаҳарлари кузатгани чиқди.

Бахтиёр кўп вақт дўстлари билан ёзишиб турди. Ҳар бир хатда дўст Афғонистонда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида шодланиб ёзарди. Кейин хат тўхтади. У тоғ бағри-

даги қишлоқларни аксинини қилбчилардан тозалаш пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди.

Совуқ хабар чинозликлар қалбини ларзага солди. Лекин унинг қони беҳуде тўқилмаган эди. Қаҳрамон жангчи Бахтиёр Гофуров ўз интернационал бурчини сўнгги тоғи қони қолғунча шараф билан адо этди. Унинг номи ҳеч қачон унутилмайди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ЖАНГЧИ НОМИДА

Чиноз шаҳар Совети ижроия комитети қарори билан 1-Май кўчасига интернационал жангчи Бахтиёр Гофуров номи берилди. Ўзи ўқиган мактабдаги дўрунларининг бири ҳам Б. Гофуров номи билан аталаяпти. Умуман, чинозлик 11 жангчи ўз интернационал бурчини бажараётиб ҳалок бўлган эди. Ҳозир мактаблардаги дўрунларга улар номи берилган. М. МАҲМУДУЖАЕВА.

ЗИЙНАТ

Ён-веримизда ёшларга ахлоқ-одобда ўзимиз намуна бўлсак, улар ноҳўя ҳатти-ҳаракат қилганда тартибга чақирсак «Бу одобдан эмас» мақоласида ёзилгандек воқеаларга дуч келмас эдик. Баъзи бировлар амал, бойлик, зеб-зийнат бўлса кўнгил тусаган нарсани қилавериш мумкин, деган ҳаёлга ҳам борадилар. Ҳақиқий зийнат эса инсон одобида. Шундай экан, ота-оналар ҳам, педагог ва жамоатчилик ҳам ёшларимизнинг одобли бўлишлари учун ўз масъулиятларини ҳис қилишлар.

Х. МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Уруш ва меҳнат ветерани Юсуф Ҳамидов Тошкентдаги 186-мактабнинг жанговар шон-шуврат музейида тез-тез бўлиб туради. Мактаб ота-оналар комитетининг раиси сифатида отахон йигитларини ҳарбий хизматга тайёрлаш, ёшларни кекса авлод шонли аънавлари руҳида тарбиялашга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

«Спутник» таклиф қилади

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



28 март

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 1-серия. 10.40 Янгилликлар. 10.50 Саҳнатчилар клуби. 11.50 Э. Пяеха ижоди ҳақида фильм-концерт. 16.00 Янгилликлар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Онамларнинг мактаби. 16.55 Хужжатли фильм. 17.15 Дастхат. Адабий викторина. 18.30 Пулс. Балахнин целлюлоза-қоғоз комбинатининг ҳужжатли ҳисоби шартларидаги иш ҳақида. 19.00 Концерт. 19.45 Фигуралар учин. Жаҳон чемпионати. 21.30 Время. 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Футбол шарҳи. 22.40 Дунё воқеалари. М. Горький. Сунгит йиллари. Хужжатли фильм.

✦ МТ-2

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Концерт. 9.45 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Мултифильм. 11.35 Музаффеция. Бадий фильм. 13.00 Бу фантастик олам. Р. Брэдбери ва Э. Лудвиг асарлари. 14.20 Янгилликлар. 14.30 Концерт. 18.30 Янгилликлар. 18.35 Стол тенниси. 19.05 Йиллар ўтгач. Бадий фильм. 20.20 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.35 Халқаро панорама. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 Футбол. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва). Танавфусда — хужжатли фильм. 23.50 Янгилликлар. 23.55 Тонгги почта (такрор).

✦ УТВ-1

15.45 Болалар учун фильм. 17.25 ЭХМ ва медицина. 18.05 Мултифильм. 18.15 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. Хотин-қизлар кенгашиларининг ишлари ҳақида. 19.00 Концерт. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ижод саҳифалари. 20.30 «Ахборот». 20.50 И. Катаев куйлайди. Фильм-концерт. 21.20 Тошқин. Телефильм. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. Сирдарё области. 23.40 Бугун оламда нима гап?

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.40 «Марианна». Бадий фильм. 20.55 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 Душанба кўрсатади.



29 март

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 11.15 Янгилликлар. 11.25 Дастхат. Адабий викторина. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Заргар. Фрунзе шаҳридан кўрсатилади. 16.45 Болалар учун фильм. 17.50 Болалар ва ўсмирлар мусикаси Бутунитифок ҳафталигига. 18.50 Мултифильмлар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.40 Бутунитифок XIX партия конференциясига. 20.25 Муслим Мамаев иштирокида концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 1-серия. 23.20 Дунё воқеалари. 23.30 Фидойи шахслар.

✦ МТ-2

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Концерт. 9.50 Хужжатли фильм. 10.10 Ўсмирлар учун мусикали кўрсату. 12.00 Француз тили. 12.30 Қорақалпоғистон бўйлаб мусикали сайр. Фильм-концерт. 13.05 Хазиналар ороли. Бадий фильм. 14.05 Француз тили. 14.35 Янгилликлар. 14.45 Бу фантастик олам. 15.55 Йиллар ўтгач. Бадий фильм. 18.35 Янгилликлар. 18.40 Ритмик гимнастика. 19.10 Мусикали киоск. 19.40 Эйзенштейн ҳақида. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.40 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Олам кинокамера кўзгусида. 23.15 Янгилликлар.

✦ УТВ-1

15.45 Болалар учун фильм. 16.55 Қувақот стартлар. 18.00 «Ешлик». 19.00 Бутунитифок XIX партия конференцияси. 19.30 «Ахборот». 19.50 «Долзарб вазифа. 20.00 Хоразм телевиденисининг программаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Муқимий номи ўзбек Давлат мусикали театри солистларининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Кино, кино, кино. 23.25 Афсонага айланган исм. Хужжатли фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.30 «Журъат». Бадий фильм. 20.55 Янги китоблар. 21.30 Фрунзе кўрсатади.



30 март

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 2- ва 3-сериялар. 11.25 Янгилликлар. 11.35 Мултифильмлар. 12.05 Рундафь са-ройида мусика. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Хужжатли фильмлар. 17.05 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.35 Фан: назария, тажриба, практика. 18.05 Болалар ва ўсмирлар мусикаси Бутунитифок ҳафталигига. Композитор К. Крилатов билан учрашу. 19.05 Далсафий суҳбатлар. 19.50 Дунё воқеалари. 20.10 Централь кафееси. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 2-серия. 23.25 Дунё воқеалари. 23.35 Аллего. Фильм-балет.

✦ МТ-2

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Концерт. 9.40 Жунгли сўмоқларида. Бадий фильм. 10.50 Немис тили. 11.20 Мултифильмлар. 11.50 Хужжатли фильмлар. 12.35 Хазиналар ороли. Бадий фильм. 2-серия. 13.40 Немис тили. 14.10 Бу фантастик олам. 15.30 Янгилликлар. 15.40 Хирург Миш-киннинг кунлари. Бадий фильм. 1-серия. 18.35 Янгилликлар. 18.45 Совет Иттифоқи-га хизмат қиламан. 19.45 Хужжатли фильм. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.30 Қишлоқ янгилликлар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Хужжатли фильм экрани. 23.05 Янгилликлар.

✦ УТВ-1

15.45 Болалар учун фильм. 17.00 Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар мусикаси Бутунитифок ҳафталиги ҳамда «Санъат байрами» республика кўрик-конкурсининг ёпилиши. 18.30 Хужжатли фильм. 19.00

Мултифильм. 19.10 Қизиқишларинг олами. 19.30 «Ахборот». 19.45 Стадион узра баҳор байроқлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бўстон. Тележурнал. 23.20 Хужжатли фильм. 23.50 Бугун оламда нима гап?

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.30 Тошкент ва тошкентликлар. 20.50 Реклама. 21.00 Озқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 21.30 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.



31 март

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ баҳар. 10.15 Йил фасллари. 11.05 Мултифильмлар. 11.30 Янгилликлар. 11.40 Таллиннинг мусикали манзаралари. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.45 Киносочерк. 17.05 Мултифильмлар. 17.30 Мусикали хазина. 17.55 Демократияни ўрганамиз. 18.25 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 Дунё воқеалари. 19.30 К. Воробьев. Тақдир ва китоблари. 20.55 Телетомошабин ҳамроҳи. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Эфирда мусика.

✦ МТ-2

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Концерт. 9.40 Қора тоғ. Илмий-оммабоп фильм. 11.10 Испан тили. 11.40 Ойдин вальс. 12.20 Хазиналар ороли. Бадий фильм. 3-серия. 13.20 Испан тили. 13.50 Бу фантастик олам. 14.50 Мултифильмлар. 15.35 Хирург Мишкиннинг кунлари. Бадий фильм. 2-серия. 16.40 Телевизион хужжатли фильмлар. 17.20 Камалак. 18.35 Янгилликлар. 18.45 Ритмик гимнастика. 19.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Битим. Бадий фильм. 23.40 Янгилликлар.

✦ УТВ-1

15.45 Болалар учун фильм. 17.05 Телефильм. 17.15 Ешлик. 18.05 Рус тили. — барчага. 18.35 Мултифильмлар. 18.55 Портретга чиқилар. 19.30 «Ахборот». 19.45 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 Навоий наволари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.30 Эртага премьер.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.40 Спорт кинопанорамаси. 20.25 Телевизион бадий фильм. 21.00 Кескин танкид остида. 21.30 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.



1 апрель

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 3- ва 4-сериялар. 11.25 Композитор Е. Крилатов билан учрашу. 12.25 Янгилликлар. 12.35 Фидойи шахслар. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Замондошимиз портрети. 17.05 Болалар учун кўрсату. 17.35 Мултифильм. 17.45 Белоруссия телевиденисининг программаси. 19.00 «Ерлалаш». 19.10

Билса ҳазил, билмаса чин. 20.10 Дунё воқеалари. 20.20 Детектив ўйини. Телевизион спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 3-серия. 23.30 «Нигон».

✦ МТ-2

9.00 Гимнастика. 9.15 Интенсивлаш ва сифат. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05 Инглиз тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 География. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Битим. Бадий фильм. 14.30 Авлодлар. 14.50 Янгилликлар. 15.00 Хирург Мишкиннинг кунлари. Бадий фильм. 3-серия. 18.35 Янгилликлар. 18.45 Киносўхатчилар клуби. 19.45 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Хокей. «Крилья Советов» — МАСК. 23.45 Владимир шахрида рақослар байрами. 00.50 Янгилликлар.

✦ УТВ-1

15.45 Болалар учун фильм. 17.50 Телефильм. 18.05 Мултифильм. 18.15 «Қувақот шаҳарча». 19.00 Ер — бойлигимиз. 19.30 «Ахборот». 19.45 Э. Вохи-дов. Дониш қишлоқ латифалари. 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Яллалар, лалларлар, ҳазил қўшиқлар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бозор кўрмаган йигит. Телевизион миниатюралар театрининг спектакли.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.45 Цирк майдонига йўл. Бадий фильм. 21.00 Телефильм. 21.30 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.



2 апрель

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар учун кўрсату. 9.35 Чашмалар. 10.05 Хужжатли фильм. 11.00 СССРда Хиндистон фестивали. 11.20 Поэзия. 11.50 Ҳамма ва ҳар бир киши учун. 12.20 Шерият лаҳзалари. 12.40 Концерт — вальс. 13.25 Социализм мамлакатларида. 13.55 Телевизион альманах. 15.00 Дунё воқеалари. 15.10 Ҳаёт ўрнидаги одам. Бадий фильм. 16.50 Мўжизасиз мўжизалар. 17.50 Мултифильм. 18.10 Халқаро ҳаёт редакцияси намоиши этиди. 19.10 Ойла экрани. Дўстим, Колька. Бадий фильм. 20.40 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Қўғирчоқ театри олами. 23.05 Янгилликлар. 23.10 Телевизион танишу. Алла Пугачева.

✦ МТ-2

8.30 Гимнастика. 8.45 Студия намоиши этиди. 9.30 С. В. Рах-матова мусикаси кун. 10.30 Хужжатли фильм. 11.05 «Здор-ов»». 11.55 Всеволод Гаршин ҳақида хотиралар. 12.55 Новаторлар ва консерваторлар. 13.45 «Эрудит». 14.45 Фалса-фий суҳбатлар. 15.30 Фильм-концерт. 16.05 Мултифильмлар. 16.35 Мусикали дақиқалар. 17.10 Композитор ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.55 Шамолни излаб. Бадий фильм. 19.10 Санъат усталари-нинг концерти. 20.10 Хужжат-ли фильм. 20.30 Тунингиз хайр-ли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Реклама. 20.50 Хужжат-ли фильмлар премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Қайта ку-

риш прожектори. 22.15 «Та-факкур» программаси. 24.00 Янгилликлар.

✦ УТВ-1

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион мусикали про-грамма. 9.30 Хужжатли фильм-лар программаси. 11.00 Дўстларимиз тароналари. 11.40 «Уй қандай қурилади?». 12.10 Ешлик. 12.40 Бу оперет-та. 13.40 Мана Бумбо ҳам кел-ди. Бадий фильм. 14.55 Ин-сон ва замин. 16.05 Оҳанглар-да қалб ҳарорати. 17.30 Пио-нерлар мамлакатиди. 18.15 Дўстлик поёзиди. 19.00 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга. 19.30 «Ахборот». 19.45 Мултипа-норама. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ажаб қишлоқ ҳангома-лари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Нобот кўниш. Бадий фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

18.00 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.



3 апрель

✦ МТ-1

8.30 Янгилликлар. 8.45 Рит-мик гимнастика. 9.30 Хужжат-ли фильм. 9.50 «Спортлото». 10.00 «Будильник». 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қи-ламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Киноафиша. 13.00 Муси-кали киоск. 13.30 Қишлоқ янгилликлар. 14.30 «Здо-ров»». 15.15 Халқ ижодиети. 15.45 Ердаги ҳаёт. 5-серия. Илмий-оммабоп фильм. 16.50 Эртақ ҳузурида меҳмонда 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Хужжатли фильм. Мултифильм. Машаққатли болалар. Ба-дий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Мусикали фильм. 23.30 Янгилликлар.

✦ МТ-2

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Сиз яратган бог. 9.20 Юлдузча. 10.10 Портретлар. 11.25 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Уқитувчи» дарсига... Машгулотни адабиёт ўқитувчи-си Е. Н. Ильин олиб боради. 12.25 Иқтисодий билимлар асослари. 12.55 Оламга савҳат. 14.00 Аюбойб қишлоқ ҳаё-ти. 14.30 Давлат чегараси. Бадий фильм. 16.40 Хужжат-ли фильм. 17.00 Мамлакат театрлари намоиши этиди. 19.25 Телевизион мусикали абонемент. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Хужжатли фильмлар. 21.30 «Время». 22.05 Обрў. Бадий фильм. 23.15 Гандоб. Эркалар. АСК (Минск) — «Медвешак» (Югославия) 23.50 Янгилликлар.

✦ УТВ-1

8.30 «Ассалому алайкум». Информацион мусикали про-грамма. 10.00 Хужжатли филь-млар. 11.00 Биргаликда куй-лаймиз. 11.20 Тоғларда қолди меннинг халбим. Бадий фильм. 12.35 Китоб бизнинг дўстимиз. 13.40 Мултифильм. 14.00 Қўшиқ бизга ҳаммиса ҳамроҳ. 14.50 Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун. 15.30 Юзма-юз мулоқот. 16.30 Спорт программаси. 17.30 Реклама. 17.50 Телефильм. 18.30 Санъат гўнаҳлари. 19.00 Бугун — геологлар кун. 19.30 «Ахборот». 19.45 Цирк! Цирк! Цирк! 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Ахбороти тан-кид қилади... 22.15 Муножот Йўлчиева куйлайди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

18.00 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



✦ Пойтахт обласида, шунингдек, республикамизнинг бошқа қатор областларида давом этаётган Бутуниттифок болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги мактабларда ҳам китобхоналар активлигини оширди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Киров районидagi Энгельс номи 274-ўрта мактабда бу тадбирга бағишланган суҳбат бўлиб ўтди. Унда 40 йилдан бери бошлангич синфларга дарс бериб келатган малакали педагог, актив китоб тарғибotchиси Юсуф Йўлдошев ўқувчиларга бу ҳафталикда бутун мамлакатимиздан, шунингдек, чет элдан ҳам ёзувчилар, шоирлар шайхонлик этишадиган, улар болалар билан учрашувлар ўтказишадиган ҳақида гапирди.



Мохир педагог ўқувчилар орасида бадиий асарларни тарғиб қилиш билан биргалик-

да дарсликларни авайлаб тутиш, қандай китобларни танлаб ўқиш ҳақида ҳам суҳбатлар ўтказиб туради.

СУРАТДА: Ю. Йўлдошев китобсевар ўқувчилари даврасида. А. Зуфаров фотоси.

ЭРКИН КУРАШ спортнинг шундай турки, унда рекордлар бўлмайди. Тўғри-да, штангачининг кучи, спринтернинг чопқирлиги, марафончининг чидами, гимнастиканинг чаққонлиги мужассамлашган спорт маҳоратини қандай очко-ю, секунд ёки килограмм билан ўлчаш мумкин! Лекин шунга қарамай, Арсен Фадзаев ҳамтур спортчилар орасида чинакам рекордчи ҳисобланади: кейинги беш йил давомида энг юқори даражадаги мусобақаларда қатнашиб, бирорта беллашувда ҳам ютказмади. Маълумиятсиз давом этган ажойиб курашлар 1983—1987 йиллар жаҳон биринчилигининг 4 та олтин медалини, Европанинг бир неча бор чемпиони ва жаҳон кубоги эгаси унвонларини келтирди.

... 1986 йили жаҳон эркин курашчиларининг Холмс ният ўйинлари ўтказилган «Дружба» универсал спорт зали трибуналари Фадзаев номи эълон қилинганида ларзага келди. «Диққат: Фадзаев», — судья-информаторнинг ҳозир 68 килограммгача вазилилар спортини қилиш ҳақидаги бу эълонини матбуот шарҳловчилари ҳам бекхитёр такрорлаб: «Ҳозир гиламда бўрон бошлангани, дея қўшиб қўйишди.

Аммо машҳур «Фадзаев бўрони» яъни рақибнинг додиратиб қўядиган даражадаги устма-уст тезкор усулларини бу сафар қўллашнинг иложи бўлмади. Рақиб — монголияли курашчи А. Амра жисмонан бакуват бўлиб, унча-мунчага йиқилверадиганлардан эмасди. У Арсенинг бутун урунишини ўткир ҳимоя воситасида сусайтириб, асосий қуроли — тезкорликдан маҳрум этишга ҳаракат қилди. Лекин, кураш бошланганидан сўнг кўп ўтмай, таслим бўлишдан бошқа иложи қолмади — унинг кураги ерга текказилган эди.

Томошбинлар эса навбатдаги учрашувда ўзлари кутган ажойиб беллашувнинг гувоҳи бўлишди. Таблодаги электрон соат энди 52 секундни кўрсатганида Арсен ўзининг одатдаги шиддатли ҳужумлари билан 12 балл тўплашга улгурган эди. Бу эса беш, аммо дедил болгар курашчиси А. Сираков устидан «соф» галаба қозониш учун етарли эди.

Америкалик бакуват, тиришқок курашчи, ҳамма йирик турнирларда Фадзаевнинг доимий «соясига айланиб қолган А. Метцгер билан финалдаги муваффақиятли беллашувдан сўнг, биз Арсен билан суҳбатлашдик.

Спортчининг гиламда яққол бўртиб кўринадиган бутун куч ва шиддаткорлиги гўё ўша залларда қолган-у, энди ҳамма қатори бир оддий йиғит ҳикоя қилаётгандек. Мускуллари жуссасига яраша бўртиб турган хушбичим йиғит енгил, беғубор табассумини кавказча ёқимли мўйлови остида яширганича сўзларди. Ҳаракатлари ва овозида баъзи спорт қилдузларига хос ҳеч қандай ортиқча мағрурлик сезилмайди. Гўё Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси президенти ҳалигина уни тумонат олдида «эзмонавий спортчининг энг юксак тимсоли» деб эълон қилмагандек.

Фадзаевни камгап деб ҳам бўлмайди. Бунинг терма командидаги шериклари ҳам тасдиқлашди, дилкаш дейишди. Фақат ўзи ҳақида ҳикоя қилишга тўғри келганда, кўпчилики

Арсен Фадзаевнинг ажойиб галабалари

эркакларга хос камгап бўлиб қолади, кўпроқ рақиблар, турнирининг ўзи ҳақида гапирди.

— Муваффақиятларнинг сирини борми! — Арсен бир дақиқа ўйлаб қолди. — Менимча у танлаган йўлнинг садоқатида, бошқа майда-чуйда нарсалардан воз кечиш, ўзининг ана шу йўлга тўла сафарбар эга билишда бўлса керак.

СССР терма командасининг катта тренери ўз шогирдининг кучли томонлари нимада деб ўйлайди! Сўз илгари «машҳур курашчи, олимпиада чемпиони Иван Яригинга:

— Арсен — эчки, тоқир, ихтирочи. Унинг ҳозир қандай усулни қўллаши мумкинлигини билдирмасликдек энг кучли «қуроли» доним тайёр туради. Демак, курашчида ўткир зеҳн шаклланган, у жуда хилма-хил усулларга таянади.

Бироқ Фадзаевнинг ютуқлари манбан ҳақида гапирганда унинг ватани жуда зўр спорт анъаналарига эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Ҳозир Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда яшаб машқ қилаётган Арсен Осетиядаги Кавказ тоғларининг юрагидан жойлашган жонажон Чиколо кишлоғини шу кунгача эслаб юради, албатта. Шимолий Осетия мамлакат спорт ҳаритасида ўзининг машҳур курашчилари билан аллақачон танилган, у ердаги кураш анъаналари енгилмас баҳодирлар ҳақидаги қадим замонлар халқ афсоналаридан бошланади. Бундай баҳодирлар ва уларнинг воқислари ҳақидаги ҳикоялар ҳамон тилдан тушгани йўқ. Кечқурунлари қишлоқ марказига тўпланадиган кекса осетинлар аср бошида яшаган қудратли полдон Казбек Тоғ ҳақида бугун ҳам кўрганлар тилидан ҳикоя қиладилар. Бу баҳодир бир кунни ўз ҳовлисидаги эски деворини тузата туриб, адашган йўловчига қўлидаги катта ходани гўё бир чўпдек олдинга узади. йўл кўрсатиб юборган экан.

Ҳозирги давр спорт тарихига эса маҳаллий эркин кураш мактаби тарбияланувчилари — икки марта олимпиада чемпиони Сослан Андиев, жаҳон чемпиони ва Олимпиада ўйинлари совриндорлари Алибек Бестоев, Савкуз Дзарасов, Борис Кулаев, Теймураз Дзагоев, ака-ука Аслан ва Махарбек Хадарцевлар номи ўчмас бўлиб кирди.

Худди шу ерда, Кавказ тизма-тизлагидаги Фадзаев тренери Казбек Дедегкаев раҳбарлигида ҳозиргидек чаққонлик ва чидамлиликка ўрганди, спорт чўққилари сари юриш бошлади.

... 1985 йили Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси бошқа спорт турларида бўлганидек, жаҳоннинг энг яхши курашчини махсус мукофот билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилганида овоз беришда қатнашганлардан кўпчилигини фикри бир ердан чиқди. Машҳур «Адидас» фирмасида тайёрлаган «Олтин белбоғ» тарихда биринчи марта совет спортчиси Арсен Фадзаевга топширилди. Бутун Арсенинг спорт коллекциясида фақат олимпиаданинг олтин медали етишмай турибди, холос. Бу йил у Чиколо кишлоғини хамюртларига худди шу медалини совға қилиб олиб келишни орзу қилаётди. [АПН]



АКУЛАДА «ЧАВАНДОЗЛИК»

● БАГАМ оролларида спортнинг ноб янги турларидан — акулада чавандозлик тобора кенг тус олмақда. Унча катта бўлмаган, сайзрок жойга йирткичи ҳайдаб келишади. Бу ерда шай турган, турли кўнгилочар ўйинлар ишқибози бўлган «чавандозлар» акулага усталик билан линиб олишгагина эмас, балки, ким узокроқ муддат сайр қила олишга мусобақалашади.



ЧАНГИЧИЛАР МУЗЕЙИ

● ЧЕХОСЛОВАКИЯДА чангилар ва чангичиларнинг анжомлари тўпланган жаҳонда энг бой коллекцияли музей бор. У ерда чангиларнинг ўтган асрга онд экспонатлари билан бирга,



энг замонавий турларини ҳам учратасиз. Булардан, шимолий ўлкалар, марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларида чанги спортининг ривожланиш босқичларини бемалол фарқлай олиш мумкин.

ЭРТАГА—ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ



ЎЗБЕК совет сахна санъати ижодкорлари Халқаро театр кунини муносиб нишонлашмоқда. Хусусан, А. Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри коллективи бу анъанавий байрам арафасида томошбинларга драматург А. Козловскийнинг «Ғаройиб хашфиди» сатирик комедиясини тақдим этди. Режиссёр Н. Қосимов сахналаштирган мазкур асарда театрининг барча етакчи актёрлари қатнашишмоқда. Суратларда: ана шу спектаклдан сахналар.



С. Маҳмамов фотолари.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«Ташкентская правда»)

Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов

Издаётся на

узбекском языке

Редакция адреси:

700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими